O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MATBUOT PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
24 октябрь
ШАНБА

№ 85
(12.201)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Эртага – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни

БУРЧГА САДОҚАТ

25 октябрь мустақил диёримиз қалқони – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни, юрт осойишталиги учун масъул бўлган соҳа ходимларининг касб байрамлари сифатида нишонланиб келинмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, ички ишлар идораларининг юртимизни турли хуружлардан ҳимоя қилиш, ёш мустақил давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулияти ошди. Ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги хизматлари қайта ташкил топди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Халқимиз онгу-шуурида мустақилликни мустаҳкамлашдек муқаддас туйғулар янада теранлашди. Юртбошимиз раҳнамолигида озод ва обод Ватанимиз узра эсаётган мустақиллик шабадаларидан баҳра олаётган ҳамюртларимиз эртанги ёруғ кунга комил ишонч билан яшашмоқда.

(Бу санага бағишланган мақолаларни 2-бетда ўқийсиз).



Навбатчилик қисмини ички ишлар идорасининг юрагига қиёслаш мумкин. Чунки, турли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлар энг аввал шу жойга келиб тушади. Ходимдан эса, хабар бераётган шахсни диққат билан тинглаб, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик ҳолати содир бўлган аниқ вақт, жой ва воқеа тафсилотларини, шунингдек, етказилган зарар, жабрланувчининг аҳволи, жиноятчиларнинг ташқи белгилари ва ўғирланган буюмлар ҳақида гувоҳлар берган маълумотларни аниқлаб олиш талаб этилади. Шу асосда воқеа жойига тезкор-тергов гуруҳи сафарбар этилиб, улар дарҳол етиб боришлари таъминланади.

СУРАТДА: Оҳангарон туман ИИБ бошлиғининг ёрдамчиси Мирали Исаметов бўлинма навбатчиларига кўрсатма бермоқда.

Пахта – 2009

ЧИНОЗЛИКЛАР ЯНА БИРИНЧИ

Ҳар йили пешқадамлар сафида бўлишни одат қилган Бўка тумани пахтакорлари ҳам шартнома режасини вилоятда иккинчи бўлиб бажардилар

Вилоят пахтазорларида йиғим-терим мавсуми якуний паллага кириб, ҳал қилувчи дамлар бошланди. Кечаги кунгача уйилган умумий пахта хирмони 248 минг тоннадан ошди.

Мавсум бошидан йиғим-теримни оқилона ташкил этиб, уюшқоқлик билан давом эттирган туманлар контрактация шартномаларини қисқа муддатда адо этаётганлари ҳақида хушхабарлар кела бошлади. Маълумки, чинозликлар ҳар мавсум йиғим-теримда пешқадамликни қўлдан бермай, шартнома мажбуриятларини вилоятда биринчи бўлиб бажаришга одатланишган. Улар бу йил ҳам шу анъаналарига содиқ қолишиб, режадаги 19 минг 658 тонна ўрнига бугунгача 19 минг 800 тоннадан зиёд хирмон уйдилар.

– Шуниси диққатга сазоворки, аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, бу мавсумда шартнома мажбуриятлари энг қисқа муддат – 25 иш кунида бажарилди, – дейди туман ҳокимлиги иқтисод бўлими мутахассиси Одилжон Эргашев. – Янада муҳими – ҳосилнинг 86 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Демак, фермер хўжаликлари қилган меҳнатларига яраша баракали даромад ҳам кўрадилар. Бу йиғим-терим ишлари отряд усулида ташкил этилганлиги самарасидир.

Эътироф этиш керакки, туман пахтакорларининг бу йилги ютуқлари ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир. Биринчидан, об-ҳаво ҳар қанча инжиқлик қилмасин, кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб, деярли барча майдонларда мўл ва эртаки ҳосил етиштиришга эришдилар. Иккинчидан, тумандаги 227 та фермер хўжалигининг пахта майдонлари табиий жойлашишига қараб, ҳудудларга бўлинди ва шу асосда 107 та терим отряди ташкил этилиб, уларга тегишли майдонлар бириктирилди. Отрядлар теримни 80 фоиз ҳосил пишиб етилган майдонлардан бошлаб, то бугунги кунгача шу тартибга амал қилдилар. Шу боис теримда ҳам унум, ҳам сифат юқори бўлди. Ҳокимлик мутахассиси таъкидлаганидек, хом ашёнинг асосий қисми биринчи навга қабул қилиниши шу тариқа таъминланди. Тоҳир Қўчқоров, Собит Ҳамидов бошлиқ отрядлар йиғим-теримни оқилона ташкил этишда бошқаларга ўрнак бўлди.

Беистисно, барча фермер хўжаликлари туманнинг умумий пахта хирмонига муносиб улуш қўшди. Ўнлаб йирик ва ҳосилдорликда пешқадам фермерларнинг ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлди. Жумладан, Муқимий номли фермер хўжалиги 90 гектар майдондан шартномадаги 306 тонна ўрнига 366 тонна сифатли хом ашё йиғиштириб олди. Ҳосилдорлик 41 центнердан тўғри келди. "Чиноз агрофайз" фермер хўжалиги 40 гектар майдондан 37,5 центнердан ҳосил олиб, шартномани 121 фоиз қилиб бажарди.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда "Буюк ипак йўли туризми" XV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси якунланди. "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда 25 мамлакатдан икки юздан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этди.

ЯРМАРКА ЯКУНЛАНДИ

Икки кун давом этган мазкур анъанавий халқаро тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтириш, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат. Тадбирда иштирокчилар туризм соҳасида эришилаётган ютуқлар, тўпланган бой тажриба билан танишиш имконига эга бўлдилар. Миллий ва халқаро сайёҳлик ташкилотлари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар, банк хизматлари, суғурта компаниялари ҳамда оромгоҳлар вакиллари иштирок этган ушбу ярмаркада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, бетакрор ва хушманзара, ноёб меъморий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, фотоэкспозициялар намойиш этилди. Ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланди.

ЎзА.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ халқимиз осойишталигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган жасорати ва фидокорлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги мардлиги, мамлакатимизда барқарорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун бир гуруҳ ватандошларимиз давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирландилар. Улар қаторида Юқоричирчиқ туман ички ишлар бўлимининг вақтинча сақлаш ҳибсхонаси бошлиғи ўринбосари Мирзамов Салимжон Тўхтабоевич ҳамда Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи Раимқулов Ниғматилла Жумадуллаевичнинг "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланганлиги қувонарлидир. Биз уларни юксак мукофот билан чин юракдан табриклаймиз.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН БРИФИНГ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси Чирчиқ шаҳрида вилоят оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди.

Вилоят сайлов комиссиясининг раиси Убайдулла Абдушоҳидов журналистларга халқ депутатлари вилоят Кенгашига депутатлар сайловини ўтказувчи 60 та сайлов округи тузилганлиги, округ сайлов комиссиялари ташкил этилиб, иш бошлаганлиги, 4 та сиёсий партиянинг вилоят кенгашларига бўлажак сайловларда иштирок этишига ижозат берилганлиги ҳақида ахборот берди. Шунингдек, сайловни эркин, ошкора ўтказишда, сайловолди учрашувларини ташкил этишда, сиёсий партияларнинг сайловолди фаолиятини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролига алоҳида тўхталиб ўтди. Анжуманда сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, бунда қонунийликка ва ошкораликка риоя қилишнинг муҳимлигига алоҳида урғу берилди.

Маълумки, жорий йилнинг 27 декабрида мамлакатимиз парламентига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтади. Сайловни миллий сайлов қонунчилигимиз, унда белгилаб берилган очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепцияга тўла мос ҳолда ўтказилишида округ сайлов комиссиялари муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири округ сайлов комиссияларини шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари хусусида Марказий сайлов комиссияси аъзоси Жанабой СОДИҚОВга бир неча савол билан мурожаат қилди:

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ:

ВАКОЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

– "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига кўра парламент сайлови бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округи бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилади, – дейди Ж. Содиқов. – Марказий сайлов комиссияси маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари таклифларини кўриб чиқиб, 9 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов округларининг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати матбуотда эълон қилинди.

Ушбу Қонуннинг 11-моддасига кўра Марказий сайлов комиссияси 16 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 135 та округ сайлов комиссиясини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарор, округ сайлов комиссияларининг манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуот орқали жамоатчиликка маълум қилинди.

– Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби қай тартибда шакллантирилди?

– Амалдаги сайлов қонунчилигига биноан округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг мажлисларида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилинди. Округ сайлов комиссиялари аъзолилига номзодлар жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этиш бўйича тажрибаси, у ёки бу сиёсий партия аъзоси эмаслиги каби ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда танланди.

Округ сайлов комиссиялари таркибига қарийб 1600 киши жалб қилинган. Уларнинг асосий қисми таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборатдир. Бу умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳбарлари ва ўқитувчилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, касаба уюшмалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, фермерлар ва бошқа касб эгаларидир.

Округ сайлов комиссиялари аъзолари орасида 30 ёшгача бўлганлар – 8 фоизни, 30-40 ёшдагилар – 21,6 фоизни, 40-50 ёшдагилар – 38 фоизни, 50-60 ёшдагилар – 29 фоизни ташкил этади. Хотин-қизлар – 20 фоиздан зиёд. Комиссиялар аъзоларининг 90 фоизи олий маълумотга эга бўлиб, комиссиялар таркибида 12 нафар фан доктори, 27 нафар фан номзоди бор. Айни пайтда округ сайлов комиссиялари вакилларининг 69 фоизи аввал ҳам сайловни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этган ва бу борада катта тажрибага эгадирлар.

– Округ сайлов комиссиялари қандай ваколатларга эга?

– Округ сайлов комиссияси сайлов округи ҳудудида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун ижросини назорат қилади. Сайлов участкаларини тузади, сайлов округи бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Сиёсий партиялар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ахборотларини эшитади.

Депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиши учун тенг шароитни таъминлаш, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш, уларга гувоҳномалар топшириш, депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашиш ҳам округ сайлов комиссияси ваколатлари доирасига киради.

Шунингдек, сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради, сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди ва уларнинг тайёрланиши, участка сайлов комиссиялари бюллетенлар билан таъминланишини ташкил этади, сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Шунингдек, ўз ваколатлари доирасида ариза ва шикоятларни кўриб чиқади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек, барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбуриийдир. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ўз йиғилишларини ўтказиб, иш режаларини тасдиқлаб олди. Уларнинг олдида турган галдаги муҳим вазифа – сайлов участкаларини ва участка сайлов комиссияларини тузишдир. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, округ сайлов комиссиялари зиммасига сайловларни миллий сайлов қонунчилигимиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепцияга тўла мос ҳолда ўтказиш борасида катта масъулият юкланган.

ЎзА мухбири Олим ТЎРАҚУЛОВ суҳбатлашди.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ»

Газетанинг шу йил 7 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилган эди. Унда Оҳангарон туманидаги Сусам ва Увак қишлоқлари ҳудудида электр энергиясидаги доимий узилишлар аҳолининг ҳақли эътирозларини қўзғаётгани, бунга бир томондан истеъмолчилар қарздорлиги ошиб кетгани, иккинчи томондан ҳудудларни электр энергияси билан таъминловчи нимстанциялар нинг носозлиги, бунга масъул идораларнинг беэътиборлиги сабаб бўлаётгани танқид қилинган эди.

Куни кеча таҳририятимиз мазкур танқидий чиқиш юзасидан "Тошкент электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси А. Вакилов имзоси билан расмий жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, ҳар икки қишлоқ хонадонларига электр энергияси етказиб берувчи нимстанциялардаги авария ҳолатларини бартараф этиш, жорий таъмирлаш жараёнларида тизимда узилишлар бўлган. Шунингдек, қарздорларни тармоқдан вақтинча узиш ва тўловларни ундириш учун ҳам масъул идоралар шундай йўл тутишган.

"Оҳангарон туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида нимстанциялардаги носозликлар бартараф этилган, – дейилади жавоб хатида. – Бугунги кунда электр таъминотида узилишлар кузатилмаяпти. Мазкур масала юзасидан Оҳангарон электр тармоқлари идораси раҳбариятига қатъий кўрсатма берилди..."

Пахта – 2009

ЧИНОЗЛИКЛАР ЯНА БИРИНЧИ

– Биз шу кунгача қабул пунктларига шартномага нисбатан 152,4 фоиз миқдорида пахта топширдик, – дейди "Кембой" фермер хўжалиги раҳбари Кембой Кўккўзов. – Йиғим-терим эса давом этаяпти. Ҳосилдорликни 45 центнердан ошириш имкониятимиз бор.

Ҳақиқатан ҳам бу йил пахтачилик учун жуда ноқулай ва мураккаб келганига қарамай, чинозликлар одатдагидек мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Шуни ҳисобга олиб, қабул пунктларига яна камида 2000 тонна хом ашё етказиб бериш мақсадида теримни давом эттираяптилар.

Юқорида таъкидланганидек, бўкалик пахтакорларнинг маҳорат ва жасоратлари ортиқча таъриф-тавсифга муҳтож эмас. Ҳар қандай шароитда ҳам шартномани қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўплай олишлари йиллар давомида исботини топиб келаяпти. Кўкламги сурункали ёғингарчиликларга қарамай, кўчат бут, гектарлар тўлиқ бўлишига эришганлари, шартнома режасини чинозликлардан бир кун кейин иккинчи бўлиб бажаришларига замин яратди.

Бўкаликлар катта карвонлардан бири сифатида вилоятнинг умумий пахта хирмонига энг кўп ҳисса қўшганликларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунгача 14 минг 520 гектар майдондан 37 минг 100 тоннадан зиёд ҳосил йиғиб-териб олиниб, шартнома режаси ортиғи билан адо этилди. Шартномаларини қисқа муддатларда бажариб, ҳосилдорликни 30 центнердан оширган "Камолот", "Маҳмуд Тоир Файз", "Омон Боқи", "Саркор", "Озод-Рустам" каби фермер хўжаликлари ҳозир иккинчи теримни ҳам муваффақиятли якунлаш ҳаракатида.

– Меҳнати қадрланаётганини кўрган киши қизиқиб, сидқидилдан ишлайди, – дейди "Камолот" фермер хўжалиги раҳбари Абдурашид Абдурахмонов. – Бу йилги мавсумда ушбу ҳаётий ҳақиқатга қатъий амал қилинди. Ҳар бир йиғим-терим иштирокчиси ўз меҳнати ва терган пахтаси ҳақини вақтида олиши учун бор имкониятлар ишга солинди. Тушлик пайтида кечаги терган пахтасининг пулини нақд олиб турган теримчилар эрта тонгдан кеч қоронғусигача чарчоқ билмай ишладилар. Бундан ташқари, ҳомий ташкилотлар бешкунликлар якуни ғолиблари учун пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар тайёрлаб, уларни рағбатлантириб турдилар. Қолаверса, фермерларнинг ўзлари ҳам илғорларни тақдирлаш учун ички имкониятлардан фойдаланишди. Бизнинг хўжалигимиз аъзолари ҳосилдорликни 40 центнердан оширишга интилишяпти.

Интилган имкон топади, албатта. Туман пахтакорлари ялпи хирмонни 40 минг тоннага етказиш учун теримни бўшаштирмаяптилар.

Вилоятнинг яна икки катта карвони – Оққўрғон ва Қуйичирчиқ туманлари шартнома режасини бажариш арафасида турибди. Бекобод тумани ҳам маррага яқинлашиб қолди. Шунингдек, Пискент, Ўртачирчиқ туманлари кунига шартномага нисбатан 2,5 фоиз атрофида пахта топширяётгани ҳисобга олинса, вилоятнинг 255 минг тонналик "оқ олтин" хирмони бўй кўрсатадиган қувончли дамлар ҳам яқинлашиб қолди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СУРАТДА: шартнома режасини биринчилар қатори бажарган бўкалик фермер Рустам Уккибоев.

Даврон АҲМАД олган сурат.





УЛАРНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР

"Ақл – ёшда эмас, бошда" деганларича бор. Жамшид Акромов – Чиноз туманидаги энг ёш фермер. Эндигина 21 баҳорни қаршилади. Аммо, туманнинг энг илғор фермерлари сафидан аллақачон муносиб ўрин эгаллаган. Ҳар йили пахта ва ғалла шартномаларини ортиғи билан бажаради. Чунки, фермер ёш бўлсада, режага, ҳисоб-китобга уста. Одамларнинг бошини қовуштириш, қизиқтириш, ҳар бир ишни вақтида, пухта бажаришда шахсан ўзи намуна.

Бошлиқ куюнчак, интилувчан, ҳаракатчан бўлган хўжаликнинг аъзолари ҳам ўз вазифаларини маромига етказиб бажаришлари табиий. Ҳижолат бўлиб қолишни ҳеч ким хоҳламайди. Бундай уюшган жамоа ҳар қандай шароитда ҳам айтган ҳосилини олиб, шартнома режасини сўзсиз бажаради.

Бу йилги оғир шароитда "Турсуной ая" фермер хўжалиги ўзининг ҳақиқатан ҳам уюшган жамоа эканлигини исботлади. 62 гектар майдондан шартномада қайд этилган 211 тонна ўрнига 230 тоннадан зиёд хирмон кўтарилди. Ҳосилдорлик 37 центнердан тўғри келди.

– Биз пахтачиликда асосан иккита омилга қатъий амал қиламиз, – дейди фермер Жамшид Акромов. – Биринчиси – ҳар қандай шароитда ҳам барча майдонларда бирдек мўл ҳосил етиштириш. Зеро, қозонда бўлса, чўмичга чиқади. Иккинчиси – ҳосилни тез йиғиб-териб олиш имконини берувчи барча омилларни тўлиқ ишга солиш. Акс ҳолда, терим чўзилиб, ёғин-сочинли кунларга қолиб кетади. Оқибатда, хирмоннинг чўғидан ҳам, хом ашёнинг сифатидан ҳам ютқазилиб, даромаднинг баракаси учади.

– Тўғри фикр, – дейди тумандаги яна бир илғор "Сайдаҳмедов Хомид" фермер хўжалиги раҳбари Олим Сайдаҳмедов. – Биз ҳам 28 гектар майдондан шартномадаги 92 тонна ўрнига 120 тонна ҳосил йиғиштириб олдик. Ҳосилдорлик қарийб 43 центнерга етди. Таъкидлаш жоизки, бундай муваффақиятга терим иштирокчилари меҳнатини қадрлаш ва муносиб тақдирлашнинг энг мақбул усули қўлланилгани туфайли эришилди. Аввало, ҳар кунлик терим ҳақи тушлик пайтида нақд тўлаб турилди. Иккинчидан, кунлик терим ва бешкунликлар якуни ғолиблларига алоҳида мукофотлар бериб борилди. Банк тизими ҳисоб-китобларда узилиш бўлишига йўл қўймай, пул таъминотини тўғри йўлга қўйди. Бизнинг бу йилги ғалладан олган 10 миллион сўмдан зиёд соф фойдамиз ҳам пахтани тезу соз йиғиб-териб олишимизда асқотди.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) "Сайдаҳмедов Хомид" ҳамда "Турсуной ая" фермер хўжаликлари раҳбарлари Олим Сайдаҳмедов ва Жамшид Акромов.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Эртага – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни

ОТА ИЗИДАН

Ички ишлар идораларида хизмат қилиш юртга меҳр-муҳаббат, касбга садоқат билан бир қаторда қатъий интизом ва юксак маънавият талаб қилади. Чунки, ҳар бир қадам, айтилган сўз, атрофдагилар эътиборида бўлади. Шунинг учун ўз бурчига садоқат билан, ҳалол ва виждонан меҳнат қилувчи ходимлар эл меҳрини қозонишмоқда.

Собир Ҳусанов ички ишлар идораларида турли вазифаларда ишлаб, ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасида бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қилаётир.

Бурчга садоқат, виждонан бажарилган хизмат эътиборсиз қолмайди. Собир Ҳусановнинг "Шуҳрат" медали билан тақдирланганлиги, "Мустақилликнинг 15 йиллиги" кўкрак нишони соҳиби" бўлганлиги ҳам фикримиз исботидир.

Халқимизда "От изини той босар", деган нақл бор. Вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори Шуҳрат Ҳусанов ҳам ота касбини ардоқлаб, ички ишлар ходими сифатида эл осойишталиги йўлида хизмат қилиб келаётган ёшлардан бири.

– Ўғлим ёшлигидан отасининг касбига қизиққани учун ҳам уни бошқа соҳада ишлашга ундамадик, – дейди Шуҳратнинг аяси Муҳайё Ҳусанова. – Ҳозир набирамиз Ҳожиакбар ҳам отаси ва бобосини кўриб: "Мен катта бўлсам милиционер бўламан!" дейди. Агар набирамиз ҳам шу шарафли ва машаққатли соҳани танласа, биз фақат қувонамиз.

– Ички ишлар тизимида хизмат қилиш менга икки карра масъулият юклайди, – дейди Шуҳрат Ҳусанов. – Аввало, биринчи устозим – отамнинг ишончини оқлашга, уларнинг ҳар бир ўгитларига сўзсиз амал қилишга интиламан. Қолаверса, устозларим М. Муродимов, Қ. Эрназаров ва Х. Боқиевнинг панд-насиҳатлари ҳам кундалик хизмат фаолиятимда асқотади.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Чиноз тумани ички ишлар бўлими эл осойишталигини муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш йўлида туман ҳокимлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан йўлга қўйган ўзаро ҳамкорлиги натижасида умумий жиноятлар 16 тага камайди.

– Ишимизнинг самарали бўлишида оммавий тадбирларнинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади, – дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари Зоиржон Раҳмонқулов. – Жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган тадбирларимизда ички ишлар идораларининг 563 ходими иштирок этди.

СУРАТДА: (чапдан) туман ички ишлар бўлими бошлиғи ёрдамчиси Жавлон Очилов ва ходим Қувондиқ Омонов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

(Материалларни вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати ходимлари Шерали АНВАРОВ ва Хуршид РЎЗИЕВ тайёрлади).

АСАЛ БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!

Пойтахтимиз бозорларида йил бошидан буён иккинчи маротаба асал байрами савдо ярмаркаси ўтказилмоқда. "Тошбозортайёрлов", Тошкент асаларичилар уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада пойтахт ва Тошкент вилояти асаларичилар жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

– Асал байрами савдо-ярмаркасини ўтказишдан асосий мақсад аҳолини тоза, сифатли асал маҳсулотлари билан таъминлаш-дир, – дейди Тошкент шаҳар асаларичилар уюшмаси раиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ҳомид Неккадамбоев. – Ярмаркада асаларичиларимиз ўзлари етиштирган маҳсулотни бевосита, арзон нархларда сотмоқда. Бу ерда асалнинг турфа хилини танлаб олиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ярмаркада харидорлар асал маҳсулотларининг бир-биридан фарқини, юқори сифатли ва табиий маҳсулотни қандай танлаш борасида ҳам маълумот олмоқда. Шунингдек, ёшларнинг соҳага бўлган қизиқишини ўрганяпмиз.

Мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш доимий эътиборда. Яратилаётган имкониятлар самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ортмоқда. Шу кунларда юртимиз бозорларини оралаган киши расталарда товланаётган турфа нозне-ъматларни кўриб, она ер саховати, деҳқон ҳимматига таҳсин айтади. Юртимизнинг мўътадил иқлими асал йиғиш ва асал маҳсулотлари етиштириш учун жуда қулай. Тармоқни ривожлантириш борасида эса улкан имкониятлар мавжуд.

– Халқимиз орасида боларининг тоғ, чўл ва дала гулларидан олинган маҳсулотлари юқори баҳоланади, – дейди қирқ йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб келаётган Турсунхўжа Тожихўжаев. – Шу боис мавсум давомида Чимённинг Билдирсой тарафларида юздан зиёд асалари оиласини боқиб, тўрт тоннага яқин етти хилдаги асал тайёрладик. Мутахассисларнинг айтишича, асалда инсон организми учун фойдали бўлган микроэлементларнинг 70 фоиздан ортиғи мавжуд.

Ҳозир пойтахтимизда икки юз эллик нафар асаларичи фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бирида ўртача 150 асалари оиласи мавжуд. Жорий йилда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида икки юз тоннадан ортиқ асал тайёрланди. Ушбу маҳсулот шаҳар бозорларида ташкил этилган асал байрами савдо-ярмаркалари орқали аҳолига арзон нархларда етказиб берилаётир.

Асал байрами пойтахтимиздаги "Авиасозлар", "Фарҳод", "Олой" ва "Юнусобод" бозорларида октябрь ойининг охирига қадар давом этади.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида биринчи босқичга қабул қилинган талабалар иштирокида "Талабаликка бағишлов" тадбири бўлиб ўтди.

ТАЛАБАЛИК – БАХТИМ МЕНИНГ

Маданият саройида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган ушбу анжуман талабалик бахтига мушарраф бўлган истеъдодли ёшларга кўтаринки руҳ бахш этди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси билан тантанали очилиб, талабалар университет мутасадди раҳбарлари, факультет деканлари билан таништирилди.

Ўзбекистон Миллий университети ўн уч факультетдан иборат бўлиб, уларда турли таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Анъанага кўра, биринчи босқичга қабул қилинган талабаларга университетнинг рамзий калити ва талабалик гувоҳномаси топширилди. Улар устозлар олдида чуқур билим эгаллаш, олган билим ва тажрибаларини юрт фаровонлиги йўлида сарф қилиш ҳамда буюк аждодлар номига муносиб бўлишга қасамёд қилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар талабалик бахтига мушарраф бўлган ёшларни табриклаб, ўқишларида муваффақият тилади.

– Бугун ҳаяжонларим чексиз, – дейди Физика факультети биринчи босқич талабаси Ўткир Сулаймонов. – Не-не етук шахсларни улғайтирган бу муқаддас даргоҳ толиби бўлиш мен учун катта бахт. Устозларимиз ишончини оқлашга сўз бераман.

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА, "Туркистон-пресс".

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Пойтахтимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш масалаларига бағишланган семинар бошланди. Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу семинарда хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатга кўра, аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг таълим олиши, касб эгаллаши, ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Беш кун давом этадиган семинарда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг барча соҳалардаги имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга ҳар жиҳатдан кўмак беришга оид масалалар муҳокама этилади.

ЎзА.

Мустақиллик йилларида жамиятнинг ижтимоий-маданий юксалиши ва шахснинг маънавий камолотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, замон талабларига мос билим олиб, касб-ҳунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилишида устозларнинг етуклиги, савияси ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ САМАРАЛАРИ

– Шу боиз биз, ўқитувчилар, педагогик ходимларнинг малакасини ошириш билан мунтазам шуғулланмоқдамиз, – деди "Тошкент ҳақиқати" мухбирига вилоят халқ таълими бошқармаси умумий ўрта таълим бўлимининг мудири Фотима Жўраева. – Ҳозирги пайтда умумтаълим мактабларимизда 21 минг 600 дан зиёд педагог фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги юқори тоифали ўқитувчилардир. Такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва модернизация қилинган ўқув дастурларининг тажриба-синовдан ўтказилиши ва бу ўқув йилида амалиётга тўлиқ жорий этилиши ўқувчилар билимларини чуқурлаштириш имконини бермоқда. Чунончи, ўтган йили давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш 2005 йилга нисбатан 3,8, 2006 йилдагига нисбатан 2,1 фоиз ўсди. Агар фан олимпиадаларининг республика босқичида ўтган йили 2 нафар ўқувчимиз ғолиб чиққан бўлса, бу йил 3 нафар вакилимиз энг юқори ютуққа эришди. Фақат 9-синф битирувчиларидан 73 нафари олимпиадада ғолибликни қўлга киритди.

Халқ таълими соҳасида ҳар бир ўқув йилида асосий диққат-эътибор таълим-тарбияни изчил мукаммаллаштиришга, долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилмоқда. Чунончи, ўтган ўқув йили "Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили" сифатида таълим-тарбия соҳасида самарали из қолдирди.

Табиийки, педагог ва ўқитувчилар фаолиятини, ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндошиб, устоз ва мураббийлар ташаббускорлигини ошириш, педагог жамоаларда ижодий муҳитни қарор топтириш масалалари диққат марказимизда бўлди, бу борадаги камчилик ва нуқсонлар ишчанлик билан бартараф этиб борилди. Натижада таълим муассасалари, педагогик жамоалар ўртасида соғлом рақобат муҳити қарор топди. Бу ҳолат ўқитувчиларнинг дарсларга тайёргарлик даражаси юксалишига олиб келди.

Ўқитувчиларнинг ижодий изланишлари туфайли Қибрай, Зангиота, Пискент, Ўртачирчиқ, Тошкент туманларидаги бир қатор мактабларда кичик академиялар ташкил этилди. Машғулотларда инглиз ва рус тиллари, информатика фанлари чуқур ўргатила бошланди.

Педагогик фаолиятга ижодий ёндошув оқибатида ўқитувчиларимиз ўқувкўрик-танловларига қизиқишни кучайтирмоқда. Унинг қуйи босқичларида юзлаб устозлар ўзаро куч синашишаяпти. Танловнинг вилоят босқичида эса, 14 фан бўйича ибратли тажрибалар орттирган ўқитувчиларимиз ғолиб чиқишди. Танловнинг республика босқичида Чиноз туманидаги 26-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси А. Ғуломов биринчи ўринни эгаллади. О. Жарқинбоева, А. Аҳмедов, И. Раҳмонов, Евгения Ли, С. Юсуфбекова, Н. Дўсматов сингари вакилларимиз ҳам ўз фанлари бўйича иккинчи ўринларга сазовор бўлишди. Якуний натижаларга кўра, вилоятимизнинг республикадаги рейтинг кўрсаткичи олдинги ўқув йилидаги 7-ўриндан 2-ўринга кўтарилди.

– Кўриниб турибдики, таълим жараёнларини замонавий асосларда қайта ташкил этиш ўқитиш савиясига кескин ижобий таъсир кўрсатмоқда, – деди Фотима Жўраева пировардида. – Бу ҳолат бизни ижодий-педагогик изланишларни муттасил чуқурлаштириб боришга даъват этаётир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Тошкент тумани СИБ томонидан қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда: Тошкент тумани "Матлуботсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 1. "АВИА А-31" русумли, д/р 11Y2641 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 04.06.09 й., № 1695/2009). Бошланғич баҳоси – 4 638 941,1 сўм. 2. "Газ-69" русумли, д/р 11Т5344 бўлган, 1961 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 11.06.09 й., № 5-314/2009). Бошланғич баҳоси – 862 305,3 сўм. 3. "Газ-24" русумли, д/р 10А0582 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 20.05.09 й., № 4003). Бошланғич баҳоси – 1 365 001,47 сўм. 4. "Газ-24" русумли, д/р 30R7630 бўлган, 1978 йилда и/ч, автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 20.05.09 й., 1478-2009). Бошланғич баҳоси – 628 972,29 сўм. 5. "Уаз-3303" русумли, д/р 11Х9709 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 11.05.09 й.). Бошланғич баҳоси – 1 292 509,8 сўм. 6. "Уаз-33970" русумли, д/р 11М0768 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 07.05.09 й., № 1355). Бошланғич баҳоси – 1 355 185,8 сўм.

– Тошкент тумани "Бурхонсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган, 7. "ИЖ-2125" русумли, д/р 11Т0899 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 08.06.09 й.). Бошланғич баҳоси – 1 114 962,3 сўм.

– Тошкент тумани "Кўк-терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборида сақланаётган: 8. "ИЖ-271501" русумли, д/р 10К714АА бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 15.06.09 й., № 1832/2009). Бошланғич баҳоси – 1 114 962,3 сўм. 9. "ГБА-СПГ-УАЗ-330301" русумли, д/р 10F546АА бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 29.05.09 й., № 1613/2009). Бошланғич баҳоси – 1 206 286,2 сўм. 10. "Камаз-35320" русумли, д/р 11V0039 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 19.05.09 й., № 99-д/2009). Бошланғич баҳоси – 18 273 940,2 сўм. 11. "ИМЗ-8-103" русумли, д/рсиз, и/ч йиди номаълум мотоцикл (ижро ҳужжати 15.06.09 й.). Бошланғич баҳоси – 318 330,9 сўм. 12. "Уаз-452" русумли, д/р Е5612ТН бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.07.09 й.). Бошланғич баҳоси – 780 649,2 сўм. 13. "Газ-24" русумли, д/р 11V0791 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 20.05.09 й.). Бошланғич баҳоси – 855 858,6 сўм. 14. "Заз-968" русумли, д/р бўлмаган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 11.05.09 й., № 1369). Бошланғич баҳоси – 356 454 сўм. 15. "Газ-24" русумли, д/р 11Т5564 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 19.05.09 й., № 1495-2009). Бошланғич баҳоси – 951 317,46 сўм. 16. "Газ-24" русумли, д/р 11Q2735 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 25.05.09 й., № 1639-2009). Бошланғич баҳоси – 1 035 407,61 сўм. 17. "Урал" русумли, д/рсиз, и/ч йили номаълум мотоцикл (ижро ҳужжати 20.05.09 й., № 3972-2009). Бошланғич баҳоси – 112 938,3 сўм. 18. "Ваз-2101" русумли, д/р 30М6227 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.05.09 й., № 1638-2009). Бошланғич баҳоси – 2 071 823,67 сўм.

– Тошкент тумани "Камол-Уматдош" МЧЖ омборида сақланаётган: 19. "ГАЗ-24" русумли, д/р 30L4851 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 23.11.06 й.). Бошланғич баҳоси – 460 800 сўм. 20. "Уаз-3151201" русумли, д/р 11W7108 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 25.03.09 й.). Бошланғич баҳоси – 1 345 718,7 сўм. 21. "Уаз-469" русумли, д/р 11Q2417 бўлган, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.03.09 й.). Бошланғич баҳоси – 607 114,8 сўм. 22. "Ваз-2102" русумли, д/р 11О1082 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 10.04.09 й.). Бошланғич баҳоси – 648 000 сўм. 23. "Уаз-3151201" русумли, д/р 11Х1022 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.03.09 й.). Бошланғич баҳоси – 683 382,6 сўм. 24. "Камаз-53212" русумли, д/р 11В5062 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 19.02.09 й.). Бошланғич баҳоси – 29 493 565,2 сўм. 25. "Заз-968" русумли, д/р Ж1898ТШ бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 23.04.09 й.). Бошланғич баҳоси – 172 742,4 сўм. 26. "ГАЗ-24" русумли, д/р 20N6692 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 10.05.07 й., № 1764). Бошланғич баҳоси – 360 000 сўм. 27. "УАЗ-452Д" русумли, д/р 30І3106 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.10.09 й., № 9385). Бошланғич баҳоси – 752 532,93 сўм.

– Тошкент тумани "Шамсиддин Раҳмон Бизнес" МЧЖ омборида сақланаётган: 28. "УАЗ-3151201" русумли, д/р 12F0723 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 18.11.08 й.) Бошланғич баҳоси – 1 272 346,2 сўм. 29. "УАЗ-452" русумли, д/р 10І2019 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.06.09 й., № 5813). Бошланғич баҳоси – 583 200 сўм. 30. "УАЗ-469" русумли, д/р 10І1258 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 29.04.09 й., № 2945). Бошланғич баҳоси – 437 400 сўм. 31. "ГАЗ-24" русумли, д/р 10І5492, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.12.07 й., № 10278). Бошланғич баҳоси – 607 500 сўм. 32. "ГАЗ-6631" русумли, д/р 11Q7334, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.08.08 й., № 5812). Бошланғич баҳоси – 2 916 000 сўм.

Савдога қўйилган автомототранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, тадбиркорлар, шаҳримиз ва вилоятимиз аҳолиси диққатига!

Тошкент вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси Ўзбекистон Республикаси ва Ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган матбуот нашрларига (газета ва журналларга) 2010 йил учун обуна компанияси давом этаётганини маълум қилади.

Ҳурматли обуначилар! Биз сиз обуна бўлган газета ва журналларни ўз вақтида ва тезкорлик билан етказишга тўлиқ кафолат берамиз! Бундай имкониятни қўлдан бой берманг!

Шунингдек, обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида барча хоҳловчи фуқароларни шартнома асосида ҳамкорликка таклиф этамиз! Жамоатчи обуначилар ўзаро тузиладиган ҳамкорлик шартномасига кўра рағбатлантирилади.

Мурожаат учун телефонларимиз:
(8 371) 233-13-04, 470-27-08.
Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Утерянные нижеследующие полиса Ташкентского областного филиала СК "ALSKOM" за № 0002051-0002060, 0000025, 0000072, 9066-9070, 0003572-0003581, 0006531-0006540, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Тошкент вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Гулсанам Ваҳобовага падари бузруквори **Ваҳоб ота БАРАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 26

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Дилафрузга тўрт ошиқ».
7.50, 18.00 «Олтин мерос».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Дугоналар». М/ф.
10.15, 21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55, 17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 Сериал «Ўзи уйланмаган совчи».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхона манзаралари».
12.55 Миллий кино: «Орзу ортида».
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
16.00 «Менинг оилам».
16.20 «Юртим бўйлаб дастури: «Куз».
16.30 «Очун».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Камолот остонаси».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Минг бир ривоят».
18.55 «Бир кун».
19.20 «ТВ – шифокор».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.30 «Муқаддас қадамжолар».
22.50 «Уч ранг: кўк». Б/ф.

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Увайсий».
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.45 «Ҳаётбахш наволар».
8.55 «Табиатни асрайлик!»
9.00 Марғилон – ҳунармандлар шаҳри».
9.10, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.30, 16.10 «Даврнинг боласи».
10.40 «Мультипанорама».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.40 «Kinomaniya».
12.10, 19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Навоий хазинаси».
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
15.00 «Шарқ гавҳари».
15.40 «Табассум қил!»
15.50 «Ҳаёт симфонияси».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 Биология дарси.
16.45 «Ёшлар ва таълим».
17.00 «Зулмат». Б/ф.
18.00 «Сўнмас юлдузлар».
18.30 «Қишлоқ тараққиёти».
18.55 «Конституция дарси».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Соғлик – бойлик».
21.50 «Миллий мерос».
22.30 Б/ф «Қўнғироқсоч Сью».
00.10 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
15.25 «Қақнус». Т/с.
16.25 «Саргузаштлар ороли».
16.55 «Сенини, шошмай тур!». М/ф.
17.05 «Карвонсарой».
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.25 Сериал «Қалдирғочлар яна қайтади».
17.55, 22.00 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.50 Мумтоз наволар.
21.55 «Ўйларим».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Библиотекарь». Х/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». М/с.
10.30, 18.55 Белбоғли кураш.
12.30 «ПрофРИНГ».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
19.50, 21.55 Футбол.

Марказ

7.00, 8.30, 11.10, 13.40, 16.30, 19.00 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.00 «Чикаго». Х/ф.
11.30 «Угадай кто?». Х/ф.
14.20 Prime time.
14.30 «Премьера».
15.30 Сериал «Тайны Смолвиля».
17.30 «Топ-10».
21.00 Сериал «Притворщик».
22.00 «Как отделаться от парня за 10 дней». Х/ф.
23.50 Миксер.

СофТС

8.00, 16.30, 19.30, 20.30 Сериал «Папины дочки».
9.00, 17.00 Сериал «Ранетки».
9.50, 21.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
10.20 «Галилео». Дайджест
11.15 «Не может быть».
12.05 «Модная прививка».
12.30, 22.00 «Как уходили кумиры».
13.20, 21.30 «Истории в деталях».
13.50, 22.50 Музыка.
14.30 М/ф «Смешарики», «Бэтмен», «Озорные анимашки», «Приключения мультяшек».
16.05 Сериал «Сабрина маленькая ведьма».
18.00 «Галилео».
19.00 «Хочу верить».
20.00 «Домашние сказки».

СЕШАНБА 27

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Дилафрузга тўрт ошиқ».
7.50, 18.00 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Бизнинг кутубхона».
9.55 Фарғона вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: «Қўқон ўймакорлик мактаби».
10.15, 21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 19.20 «ТВ – шифокор».
11.15, 20.10 Сериал «Ўзи уйланмаган совчи».
12.55, 18.05 «Турмуш чорраҳаларида».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.20 «Ойдин ҳаёт».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
16.05 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Дунё манзаралари».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ – бизнес хабарлари».
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нақшлар жилоси».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Навоийни англаш».
20.00 «Кун мавзуси».
21.30 «Одамлардан бири».
22.45 «Уч ранг: оқ». Б/ф.

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Увайсий».
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.45 «Ҳаётбахш наволар».
9.00 «Улуғбек расадхонаси».
9.10, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 16.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Мультипанорама».
10.30 «Сирли ўрмонча».
10.50 «Келажак эгалари».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.50 «Автопатруль».
12.10, 19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Навоий хазинаси».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
15.00 «Ватанпарвар».
15.40 «Табассум қил!»
15.50 «Ҳаёт симфонияси».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 Биология дарси.
16.45 «Нафс гирдоби».
17.00 «Зулмат». Б/ф.
18.00 «Yoshlar-FM».
18.30 «Уйимдаги фариштам».
18.55 «Конституция дарси».
20.20 «Инсон психологияси».
20.50 «Кўнгил».
21.50 «Миллий мерос».
22.30 Б/ф «Кўнгил калити».
00.10 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.35, 21.25 Мумтоз наволар.
8.40, 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.30, 10.30, 15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Сехрли сандиқ». М/ф.
9.55, 17.50, 22.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Будьте здоровы».
10.40 «По ту сторону реальности». Т/с.
11.05, 21.55 «Ўйларим».
11.10 «Париларнинг кузги совғаси». Б/ф.
12.30, 17.20 Сериал «Қалдирғочлар яна қайтади».
14.00 «Дунё» теледастури.
15.25 «Қақнус». Т/с .
16.25 «Сопол чолғучилар». Т/ф.
16.40 «Сенини, шошмай тур!» М/ф.
16.50 «Карвонсарой».
17.05 «Эртамиз эгалари».
18.15 «Конун доирасида».
19.45 «Истеъдод».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Менинг маҳаллам».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Дом у озера». Х/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
7.50, 18.00 «Тет-а-тет».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». М/с.
9.55 «Спорт – менинг ҳаётим».
10.30, 18.55 Белбоғли кураш.
18.10 «Сайис». Х/ф.
20.05 Настольный теннис.
20.55 «Футбол шарҳи».
21.55 Профессионал бокс.

Марказ

7.00, 7.40, 8.30, 10.30, 13.10, 16.30, 18.10, 20.00 Ўзбек наволари.
7.30, 18.00 Prime time.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 21.00 Сериал «Притворщик».
11.30 «Как отделаться от парня за 10 дней». Х/ф.
15.30 Сериал «Тайны Смолвиля».
17.30 Премьера.
19.00 «Bollivud markazida».
22.00 «Тайны прошлого». Х/ф.
23.40 Миксер.

СофТС

8.00, 16.30, 19.30, 20.30 Сериал «Папины дочки».
9.00, 17.00 Сериал «Ранетки».
9.50, 21.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
10.20, 19.00 «Хочу верить».
10.50 «На вкус и цвет».
11.15 «Время красоты».
11.40 «Домашняя энциклопедия».
12.05 «Модная прививка».
12.30, 22.00 «Как уходили кумиры».
13.20, 21.30 «Истории в деталях».
13.50, 22.50 Музыка.
14.30 М/ф «Смешарики», «Бэтмен», «Озорные анимашки», «Приключения мультяшек».
16.05 Сериал «Сабрина маленькая ведьма».
18.00 «Галилео».
20.00 «Домашние сказки».

ЧОРШАНБА 28

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Дилафрузга тўрт ошиқ».
7.50, 18.00 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Ҳудудлар ҳаёти».
9.55 «Камолот остонаси».
10.15, 21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.10, 19.20 «ТВ – шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 Сериал «Ўзи уйланмаган совчи».
12.55, 18.05 «Турмуш чорраҳаларида».
13.35 «Эски альбом».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. «Ромео ва Джульетта».
16.00 «Ўйла, Изла, Топ!»
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.45 «Кун мавзуси».
19.00 «Тараққиёт сари».
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.15 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.30 Эркин мавзу.
22.45 «Уч ранг: қизил». Б/ф.

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Увайсий».
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.45 «Ҳаётбахш наволар».
9.00 «Яшамоқлик саодати».
9.10, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 16.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Мультипанорама».
10.30 «Кичкинтойлар боғи».
10.40 «Чашма».
10.45 «Ёшлар ва таълим».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.50 «Соғлик – бойлик».
12.10, 19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Навоий хазинаси».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
15.00 «Нафс гирдоби».
15.15 «Сехрли қўллар».
15.40 «Табассум қил!»
15.50 «Ҳаёт симфонияси».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 Биология дарси.
16.45 «Навбатчи».
17.00 «Девор». Б/ф.
18.30 «Ибратли умр».
18.55 «Конституция дарси».
20.20 «Келажак эгалари».
20.30 «Yoshlar-FM».
21.50 «Миллий мерос».
22.30 Б/ф «Ҳаёт пульти».
00.10 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.35, 21.25 Мумтоз наволар.
8.40, 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.30, 10.30, 15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
9.40 «Қонун доирасида».
9.55, 17.55, 22.00 «Телекурьер-маркет».
10.20, 21.00 «Репортаж».
10.40 «По ту сторону реальности». Т/с.
11.05, 21.55 «Ўйларим».
11.10 «Омад ҳамиша келавермайди». Б/ф.
12.30 Сериал «Қалдирғочлар яна қайтади».
14.00 «Дунё» теледастури.
15.20 «Қақнус». Т/с.
16.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Х/ф.
17.05 «Сенини, шошмай тур!» М/ф.
17.15 «Карвонсарой».
17.25 Сериал «Қалдирғочлар яна қайтади».
18.20 «Саломат бўлинг!»
19.45 «Тошкентда латифа».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.10 «Дурдона».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «На скейте от смерти». Х/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
7.50, 18.00 «Тет-а-тет».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». М/с.
9.55 «Футбол шарҳи».
10.25 «Вилоят спорти».
11.25 Футбол.
18.10 «Дорога в небо». Д/ф.
18.55 Белбоғли кураш.
20.05 Настольный теннис.
20.55 Стрельба из лука.
21.55 Профессионал бокс.

Марказ

7.00, 8.30, 10.30, 13.10, 16.30, 19.00, 20.30 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 21.00 Сериал «Притворщик».
11.30 «Тайны прошлого». Х/ф.
14.20 Prime time.
14.30 «Кинокурьер».
15.30 Сериал «Тайны Смолвиля».
20.00 M-files.
22.00 «Напоминание». Х/ф.
00.00 Миксер.

СофТС

8.00, 16.30, 19.30, 20.30 Сериал «Папины дочки».
9.00, 17.00 Сериал «Ранетки».
9.50, 21.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
10.20, 19.00 «Хочу верить».
10.50 «Мировые бабушки».
11.15 «Камень, ножницы, бумага».
11.40 «Домашняя энциклопедия».
12.05 «Модная прививка».
12.30, 22.00 «Как уходили кумиры».
13.20, 21.30 «Истории в деталях».
13.50, 22.50 Музыка.
14.30 М/ф «Смешарики», «Бэтмен», «Озорные анимашки», «Приключения мультяшек».
16.05 Сериал «Сабрина маленькая ведьма».
18.00 «Галилео».
20.00 «Домашние сказки».

ПАЙШАНБА 29

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Қобил ила Ҳобил».
7.55, 17.50 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Мулкдор».
10.15, 21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 19.20 «ТВ – шифокор».
11.15 «Янги ўқувчи». В/ф.
12.55, 17.55 «Турмуш чорраҳаларида».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.20 «Одамлардан бири».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. «Ромео ва Джульетта».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Саёҳатга марҳабо!»
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Юрт меҳри».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.35 «Саломат бўлинг!»
19.00 «Бир жиноят изидан».
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 Сериал «Ўзи уйланмаган совчи».
21.30 «Бир ўлка-ки...»
22.45 «Йўллар, одамлар, орзулар».

YOSHLAR

7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Увайсий».
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.45 «Ҳаётбахш наволар».
9.00 «Водий Ҳаёти».
9.10, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 16.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Мультипанорама».
10.30 «Китоб – офтоб».
10.40 «Келажак эгалари».
10.50 «Тошкент мушоираси».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.50 «Уйимдаги фариштам».
12.10, 19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Навоий хазинаси».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
15.00 «Тараннум».
15.40 «Табассум қил!»
15.50 «Ҳаёт симфонияси».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 Биология дарси.
16.45 «Марғилон – ҳунармандлар шаҳри».
17.00 «Девор». Б/ф.
18.30 «Чемпион».
18.55 «Конституция дарси».
20.20 «Kinomaniya».
20.50 «Кўнгил».
21.50 «Миллий мерос».
22.30 Б/ф «Эрамиздан 10 минг йил аввал».
00.10 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.35, 21.25 Мумтоз наволар.
8.40, 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.30, 10.30, 15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
9.40 «Тандир нон». М/ф.
9.55, 17.55, 22.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Дурдона».
10.40 «По ту сторону реальности». Т/с.
11.05, 21.55 «Ўйларим».
11.10 «Энг жозибали ва латофатли». Б/ф.
12.30, 17.20 Сериал «Қалдирғочлар яна қайтади».
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Хор жамоасининг концерти».
15.20 «Қақнус». Т/с.
16.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Х/ф.
17.00 «Сенини, шошмай тур!» М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
18.15 «Маърифат фидоиилари».
19.45 «Экономическое-ревю».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.10 «Эътиқод».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Всадник без головы». Х/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
7.50, 18.00 «Тет-а-тет».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». М/с.
9.55 Настольный теннис.
10.55, 21.55 Футбол.
18.10 «Тилла камарлик паҳлавон». Х/ф.
18.55 Белбоғли кураш.
20.00 Молодежный смотр восточных единоборств.

Марказ

7.00, 7.40, 8.30, 10.30, 13.30, 17.00, 18.10, 19.00 Ўзбек наволари.
7.30, 18.00 Prime time.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30 Сериал «Притворщик».
11.30 «Напоминание». Х/ф.
14.30 Премьера.
15.30 Сериал «Тайны Смолвиля».
16.30 «Baby Terra Landiya».
17.30 «Энг сараси TVM да!».
20.30 «Jannat Makon».
21.00 Сериал.
22.00 Х/ф «Феридэ».
23.40 Миксер.

СофТС

8.00, 16.30, 19.30, 20.30 Сериал «Папины дочки».
9.00, 17.00 Сериал «Ранетки».
9.50, 21.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
10.20, 19.00 «Хочу верить».
10.50 «Бездонные антресоли».
11.15 «Люди мира».
11.40 «Домашняя энциклопедия».
12.05 «Коллекция идей».
12.30, 22.00 «Как уходили кумиры».
13.20, 21.30 «Истории в деталях».
13.50, 22.50 Музыка.
14.30 М/ф «Смешарики», «Бэтмен», «Озорные анимашки», «Приключения мультяшек».
16.05 Сериал «Сабрина маленькая ведьма».
18.00 «Галилео».
20.00 «Домашние сказки».

ЖУМА 30

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Қобил ила Ҳобил».
7.55 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.20, 21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.10, 19.20 «ТВ – шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25, 20.05 Сериал «Ўзи уйланмаган совчи».
12.55, 18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.20 «Хонадон».
14.45 «Бир ўлка-ки».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Йўллар, одамлар, орзулар».
16.00 «Қорақалпоқнома».
16.20 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Зийнат».
19.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
20.45 «Соз сехри».
21.30 «Тарих кўзгуси».
22.50 «Йўлда». Б/ф.

YOSHLAR

7.00 4.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Увайсий



ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШАДИ

Жорий йилнинг 24-28 октябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Белбоғли кураш федерацияси ва ЮНЕСКОнинг расмий ҳамкори – Анъанавий спорт курашлари халқаро ассоциацияси томонидан йирик спорт анжумани – анъанавий спорт курашлари бўйича Бутунжаҳон IV фестивали доирасида белбоғли кураш бўйича катталар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпионати, ўсмирлар ўртасида қитъа биринчилиги ўтказилади.

– Белбоғли кураш дунёнинг юздан зиёд мамлакатида миллий спорт тури сифатида қадимдан ривожланиб келган, – дейди Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси президенти Рустам Исоқов. – Осиёнинг турли ҳудудлари, жумладан, Марказий Осиёдан топилган қадимий даврларга оид археологик топилмалар ҳам шундан дарак беради. Эрамиздан аввалги учинчи асрга оид ҳайкалчада икки курашчи бир-бирининг белбоғидан ушлаб тургани акс эттирилган.

Бугунги кунга келиб, белбоғли кураш халқаро майдонда оммалашаётган спорт турига айланди. Бу борада ўзбек кураш мактаби дунёдаги энг кучлилилардан ҳисобланади. Чунки ўзбек халқи маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган белбоғли кураш асрлар давомида халқимизнинг миллий қадрияти сифатида қон-қонимизга сингиб кетган.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, уларни келажак авлодга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида халқаро мақомга эга белбоғли кураш ҳам кенг ривожланмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси белбоғли кураш бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатларида расман 2005 йилдан буён қатнашиб келаётган бўлсада, дунёда энг кучлилардан эканини исботлади.

Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётган мусобақада дунёнинг олтмишдан зиёд мамлакатидан беш юз нафарга яқин полвон гиламга чиқади. Шунингдек, белбоғли курашнинг эркин ва миллий йўналишлари бўйича эркаклар ҳамда хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон ва Осиё чемпионати, эркин ва классик йўналиш бўйича ўсмирлар ўртасида қитъа биринчилиги беллашувлари ўтказилади. Мамлакатимиз шарафини эллик беш нафар курашчимиз ҳимоя қилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Китобингизни ўқидим

ЮРАКДАН ТЎКИЛГАН САТРЛАР

Бу оламда турфа хислатли, турли қиёфали одамлар бисёр. Кимдир дилидаги қувончу шодликлари, дарду аламларини пинҳон тутади ёки нари борса қоғозга тушириб таскин топади. Одамлар бор, қаҳр-ғазабини ошкор этиб, нафақат ўзининг, балки ўзгаларнинг дилини вайрон этади. Шу важданми, шоир-табиат, ширинсухан одамлар суҳбатига муштоқлар кўп бўлади.

Тиббиёт фанлари номзоди, доцент, моҳир жарроҳ Илёс Юнусов қалби эзгуликка, касби халоскорликка мойил ана шундай инсонлардан. Ўз ҳаёти, меҳнат фаолияти давомида ҳамкору ҳамдард, ҳамфикр бўлган азиз инсонлар, вужудию қалби шикаста беморлар дардига малҳам бўлишга интилаётган шифокорнинг адабиётга, шеъриятга бўлган ихлоси ҳам эътиборга лойиқ. Олимнинг ўнга яқин ўқув, йигирмага яқин ўқув-услубий қўлланмалари, монография ва дарсликлари, 130 дан зиёд илмий мақолалари билан бир қаторда кўплаб шеър ва публицистик мақолалари, "Маънавият, этика ва эстетика тарбияси" монографияси кўпчиликка яхши таниш.

Унинг илк шеърий тўплами – "Умр фасллари" ана шу эътироф меваси бўлса ажабмас. Китобга киритилган шеърларда олимнинг Ватан, ота-она, фарзандлар ва халқига бўлган меҳр-муҳаббати, самимият туйғулари акс этиб туради.

Шифокорнинг шеърларини аввало, дил изҳори, қалб даъвати деб қабул қилиш лозим. Алалхусус, муаллифнинг ўзи ҳам шоирликка даво қилмайди. Аммо содда, лўнда сатрларга жо бўлган чуқур ҳаяжон, меҳр-оқибат, самимият кишига хуш кайфият, руҳий тетиклик бахш этади.

"Истиқлол мадҳияси", "Она диёрим", "Ватан ишқи", "Тошкентим – онам" каби ватанпарварлик руҳидаги, "Шифокорларга мурожаат", "Фойдали маслаҳатлар", "Аср вабоси" каби инсон саломатлиги учун қайғуриш, касбга садоқат руҳидаги шеърларида таъкидлаганимиздек инсоний фазилатлар чуқур ҳаяжон билан тараннум этилади ва беихтиёр муаллифнинг жонсарак, самимий қиёфаси кўз олдингизда гавдаланади.

Сайёра РИХСИЕВА.

Одамийлик шеваси

ИЛТИФОТ

Дам олиш куни бироз зерикиб, томоркага чиқсам, ён қўшним ҳам ҳовлисининг этагидаги дов-дарахтлар орасида тимирскиланиб юрган экан. Марзага яқинлашиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлдим. Ҳар доим хушчақчақ юрадиган қўшним хомуш кўринди.

– Ҳа, қўшни, тинчликми?

– Э-э, асти сўраманг. Қудратиллага ишим тушувди, дилим сиёҳ бўлгани қолди.

– Қанақа иш?

– Хабариз бор, неварали бўлдик. Қудаларимиз "Бешик тўйини тезлат", деб қисталанг қилишяпти. Пулдан бироз қийналиб турганимиз учун Қудратилладан сўрай қолувдим, "Ҳозир бировга пул берадиган пайтми?" деса бўладими. Ишим битмагани майли, мулзам бўлганим алам қилаяпти...

Қудратилла маҳалламиздаги энг ўзига тўқ тадбиркор. Олди-соттининг ҳадисини олган. Аммо, феъли торроқ.

– Қурумсоқлигини биларсизлар-ку, менга чиқа қолмабсиз-да.

– Сиз ҳам ўзимиз қатори...

– Нима қипти, "икки ёрти бир бутун" деганларидек, бирор чорасини топардик...

Ҳа, иложини топдик, бешик тўйи бинойидек ўтди, қудаларнинг кўнгли жойига тушди. Лекин менинг кўнглимда бир ноҳуш савол муҳрланиб қолди: "Пул наҳотки, одамнинг қадр-қимматидан ҳам устун бўлса?"

Аниқ-тиниқ ёдимда. Саккиз-тўққиз яшар бола эдим. Қирқинчи йилларнинг охири. Уруш туфайли пароканда бўлган оилаларнинг рўзғори ночор. Айниқса, менга ўхшаган отасиз етимларнинг усти ҳам юпун.

Шундай кунларнинг бирида опоқдадам (энг катта амаким) уйимизга кириб келиб:

– Юр, ўғлим, мен билан гузардаги дўконга бориб келасан, – дедилар.

Гузарда опоқдадамни яна икки чол кутиб турган экан. Кўпчилик бўлиб дўконга кирдик. Афтидан, дўкончига аввалдан тайинлаб қўйилган шекилли, у мени пештахта ичкарисига олиб ўтди-да, қатор осиғлиқ турган пальтоларни кўрсатиб:

– Ўзингга ёққанини танла, – деди.

Мен ҳеч нарса тушунмай, опоқдадамга қарадим.

– Энг зўрини танла, – дедилар у киши ҳам.

Паҳмоқ матодан тикилган, қалин сунъий ёқали пальтони кўрсатдим. Дўкончи лойиғини танлаб, кийдирди-да, "Мана шуниси сеники" деди. Опоқдадам ҳам пальтонинг у ёқ-бу ёғини кўрган бўлиб, чўнтакларига бирма-бир қўл тиқиб чиқдилар-да, менга қайта кийдириб:

– Жуда ярашди, ўғлим, энди уйга чоп, – дедилар.

Усти дурустроқ чопон кўрмаган етимча бира тўла пальтоли бўлганимдан ичимга сиғмай, уйга югурдим. Гўё бутун Хонобод қишлоғида мендан бахтиёр бола йўқ. Тезроқ борсам-у, ўртоқларимга мақтансам.

Ҳовлиқиб бораётиб, пальтонинг ички чўнтагига қўл суқсам, қандайдир қоғоз илинди. Олиб қарасам, 1 сўмлик пул. Таққа тўхтадим. "Бу пул кимники? Янги пальтонинг чўнтагига қаердан тушиб қолди? Энди уни нима қиламан?" Бу саволлардан бошим гангиди. Бояги хурсандлигим ўрнини қўрқув эгаллади. Қайта дўконга югурдим. Қўлимда 1 сўмлик пул билан ҳаллослаб кириб:

– Пальтонинг чўнтагида мана бу пул бор экан, у кимники? – дедим.

– Топган-топалоқники-да, ўғлим, – деди опоқдадамнинг улфатларидан бири Сарибой бува. Кейин ҳаммалари бир-бирларига қараб, маъноли кулиб қўйишди.

– Шу пул сенга буюрган экан, илоҳим, насибанг доим бутун бўлсин, энди уйга борақол, ўғлим, – дедилар опоқдадам.

Уйга келиб, ойимлардан сўрадим:

– Янги пальтонинг чўнтагидан 1 сўм пул чиқди, у қандай қилиб...

– Ҳа, болам-а, – дедилар ойимла кулиб, – уни етимча обдон хурсанд бўлсин, деб опоқдаданг солиб қўйганда...

Ўшанда мен болалигимга бориб, барибир ҳеч нарса тушунмадим. Аммо, ўсиб-улғайиб, ишлаб, илк бор меҳнатим ҳақини қўлимга олганимда, ҳаммаси равшан бўлди. Пул топиш қийин, лекин бировнинг кўнглини олиш ҳам осон эмас экан...

Самад ЙЎЛДОШ.

Бу – қизиқ

МЕҲМОНХОНАДА ФАҚАТ... АЁЛЛАР

Лондон марказидаги беш юлдузли "Grande City" отели август ойидан фақат аёлларни қабул қила бошлади.

Бу етти қаватли меҳмонхонанинг 68 та хонасига эркаклар кириши ман этилади. Ҳатто, меҳмонхонанинг эркак хизматчилари ҳам бу хоналарга кира олмайдилар.

Албатта, меҳмонхонада бу ишга бежиз қўл урмади. Олиб борилган сўровлар отель мижозларининг ярмидан кўпроғи аёллар эканини кўрсатди. Бу аёллар ёлғиз саёҳатга чиққанликлари сабабли анча-мунча муаммоларга дуч келишлари ҳам аниқланди.

Аёллар хоналари алоҳида жиҳозланган. Уларда кийим сақланадиган жавонлар кенгайтирилган, кўзгулар кўпайтирилган, соч қуритадиган асбоблар сими узайтирилган ва ҳоказо.

Хавфсизлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

– Биз саёҳатга чиққан ёлғиз аёлларнинг барча талабларини адо этдик, – дейди меҳмонхона вакили Барри Уишарт. – Чунки, отелда барча қулайликлар эркаклар учун мўлжалланган эди-да.

Айни пайтда Уишарт "Аёллар отели"га эркакларнинг кириб чиқиши бутунлай ман қилинмаганини ҳам таъкидлаган. Яъни, меҳмонхонада истиқомат қилувчи хоним истаган пайтида ўз хонасига эркакларни меҳмонга таклиф қилиши мумкин.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Ҳажвия

ТЕСТГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

И-е, келсинлар, қадамларига ҳасанот! Оббо укам-эй, ишга кирмоқчи бўлиб келдим денг. Жуда яхши-да. Худди сизга ўхшаган буғолтирга кўзимиз учиб турганди ўзиям.

Тайёргарлик қалай бўлди? "Қанақа тайёргарлик" дейсизми? И-е, бизда синов асосида ишга қабул қилинишини эшитмаганмисиз? Тест ҳақида эшитгандирсиз? Ҳа, баракалла. Бизнинг ишхонада ҳам тест асосида ишга қабул қилиш йўлга қўйилди. Мана, ука, тест варақасини олинг. Отақўзи акамлардан аввал сизни ўзим синов қилиб кўраман. Бешта савол, йигирма бешта жавоб. Камида тўртта саволга тўғри жавоб топсангиз, марра сизники. Бошладик.

Биринчи савол: бошлиғингиз дам олиш уйига кетаяпти.

Биринчи жавоб: совға-салом билан кузатиб қўясиз.

Иккинчи жавоб: "Жўнаса жўнар", деб қўл силтайсиз.

Учинчи жавоб: "Қийналиб қолманг", деб беш-ўн минг узатасиз.

Тўртинчи жавоб: "Яхши бориб келинг", деб самимий хайрлашасиз.

Бешинчи жавоб: совға-саломлар билан уйларига борасиз, беш-ўн мингни чўнтакларига зўрлаб солиб қўясиз. "Соғиниб кетдик-ку!" деб ҳафтада бир ҳолларидан хабар олиб турасиз.

Қани укам, жавобингизни эшитайлик.

Ў-ў-ў! Жуда ғўрсиз-ку! Тўртинчи жавобмиш... Самимий хайрлашишингизни бошига урадими улар! Бешинчини ўқинг, бешинчини. Ҳа, яшанг. Беш карра беш йигирма беш. Ҳа-ҳа-ҳа! Бешни ташланг!

Давом этамиз укам. Бошлиқ, "Тушликни қаерда қилсак экан-а?" деб сўраб қолди.

Биринчи жавоб: яхши бир ошхонанинг номини айтасиз.

Иккинчи жавоб: чойхонага ошхўрликка таклиф этасиз.

Учинчи жавоб: уйингизга кўнгироқ қиласиз, қуюқ бир зиёфат ташкиллаштирасиз.

Тўртинчи жавоб: бозорга бориб, егулик олиб келасиз.

Бешинчи жавоб: "Сиз бошлаган ошхонада ғишт бўлсаям еяверамиз", дейсиз илжайиб.

Жавобингизга мунтазирмиз укам. Қани?..

Уф-ф! Умуман тайёргарлигингиз нол! Замонавий бошлиқ талаблари назариясини вабше ўқимагансиз. Яхши бир ошхонанинг номини айтармишлар. Ўзлариям билишади яхши ошхонани! Учинчи жавобга қаранг, учинчига! Баракалла! Уч карра беш – ўн беш! Яшанг! Бешни ташланг!

Учинчи савол: бошлиқ, "Костюмнинг тугмаси бўшаб қолибди, нима қилсам экан?" деб қолди.

Биринчи жавоб: дарҳол игна-ип топиб, тугмаларини қадаб берасиз.

Иккинчи жавоб: яқинроқдаги хизмат уйига бориб, қадатиб келасиз.

Учинчи жавоб: костюмларини оласизда, тугма билан эмас, бўшаб қолган чўнтаклари билан шуғулланасиз.

Тўртинчи жавоб: янги костюмшим совға қиласиз.

Бешинчи жавоб: "Бўшаб қолган бўлса, узиб чўнтакка жойлаш керак, тушиб қолади", дея доно маслаҳат берасиз.

Ўйлаб жавоб беринг, укам. Шошилманг. Қани?..

Ҳе, туринг ўрнингиздан! Осмондан тушганмисиз? Бешинчи жавобмиш... Учинчини ўқинг, учинчини. Яшанг, бешни ташланг! Ўзим ўқитиб, мулла қиламан, шекилли, сизни.

Бошлиқ, "Ҳаволар исиб, уйдаям, ишхонадаям ўтириб бўлмай қолди-ю!" деди.

Биринчи жавоб: "Нимасини айтасиз, одамни ўлдирадиган иссиқлар бўлаяпти! " деб кўя қоласиз.

Иккинчи жавоб: бошлиқнинг хонасидаги, уйидаги совутгичлардан хабар оласиз. Бузилган бўлса тузаттирасиз.

Учинчи жавоб: муздай ичимликлар билан хўжайинни сийлайсиз.

Тўртинчи жавоб: тоққа, соясалқин жойларга оилавий саёҳат уюштирасиз.

Бешинчи жавоб: елпиғич олиб, бошлиқни елпийсиз.

Қайси жавобни танладингиз, укагинам? Кўрқмай, иккиланмай айтаверинг!

Вой-во-ей! Елпиғич топиб бошлиқни елпирмишлар! Ўзингизни елпиб қолишмасин тағин. Тўртинчи жавобни ўқинг, тўртинчини! Бор экансиз-ку. Ўзи сизга менга ўхшаган битта репититорми-репититорми керак экан. Навбатдаги саволга ўтамиз.

Бошлиқ олдингизда йўталиб, хонасига кириб кетди.

Биринчи жавоб: "Шамоллабсиз, хўжайин", деб соғу саломатликларини обдон суриштирасиз.

Иккинчи жавоб: дорихонадан шамоллашга қарши дори-дармон келтириб берасиз.

Учинчи жавоб: сиз ҳам йўталиб қўясиз.

Тўртинчи жавоб: касалхонага кўнгироқ қилиб, шифокор чақирасиз.

Бешинчи жавоб: хоналарига кирасиз, "Бизбоп хизмат чиқиб қолдими, акахон?" деб оҳиста сўрайсиз.

Жавобингиз?..

Қўйинг-э! Ғўддайиб ўсиб қолган экансиз-да! Йўталиб қўярмишлар. Ҳе!... Бешинчини ўқинг-э! Ҳа, шундоқ, хизматларини қиласиз, кам бўлмайсиз.

Тўғрисини айтсам, укам, ғирт ошқовоқнинг ўзи экансиз. Бу туришингизда умуман ишлолмайсиз. Ҳозир сизга тест синовларининг бир вариантини бериб кўрдим. Бунақа вариантлардан эллик-олтмишта бор. Агар ҳисоб-китобни яхши қилсангиз, репититорлик қилиб, сизни бир ой синовга тайёрлашим мумкин. Ўзим қоровул бўлсам-да, замонавий бошлиқ талаблари назариясини хўп ўрганганман... Ана ундан кейин ишга кирасиз, ўсасиз, қарабсизки, бошлиқ бўлиб, ўзингиз тест олиб ўтирибсизда!

Ие, ҳов, укам? Ишхонамизнинг эшиги бу томонда, сиз кўчага қараб юраяпсиз?

Биринчи жавоб: "Тайёргарлик кўриб келаман" дедингиз.

Иккинчи жавоб: "Чиқимга тоқатим йўқ" дедингиз.

Учинчи жавоб: "Ишламаганим бўлсин" дедингиз.

Тўртинчи жавоб: "Юқорига арз қиламан" дедингиз.

Бешинчи жавоб: "Тестинг ҳам, пестинг ҳам бошингда қолсин!" дедингиз.

Ҳов, қайси жавобни танладингиз, аниғини айтиб кетинг?!

Олчин БЕК.

Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 06.02.2007 йилда 002826-11-сонли қарор билан рўйхатга олинган "ILIS-EXKLUZIV" хусусий корхонаси (ИНН 300224203, ОКПО 21561582) "ILIS-EXKLUZIV" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилаётганлигини маълум қилади. "ILIS-EXKLUZIV" МЧЖ "ILIS-EXKLUZIV" ХКнинг ҳуқуқий вориси деб ҳисобланади ва барча мажбуриятлари олдида жавобгар ҳисобланади. Тел.: 383-20-99.

Учтепа тумани Т.Ж.Б.И.К хизмати томонидан 21.11.2007 йилда Чилонзор 24-мавзе, 13-уй, 33-хонадонга № 5979 рақамли уй-жой олди-сотдиси учун берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 13.04.2005 йилда № 000815 рақам билапн рўйхатга олинган (ИНН 205611869) "TANSIQBOY-KOMMUNALCHI" уй-жой мулкдорлар ширкатига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Радиотехника касб-ҳунар коллежи томонидан 2009 йилда Камалов Шухрат номига берилган 1492992 рақамли ҳамда Камалов Шовкат номига берилган 1493000 рақамли дипломлар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай туманидаги 32-ўрта таълим мактаби томониданХакимов Умид Хоким ўғли номига берилган O'R-A № 1711965 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Общество с ограниченной ответственностью "NIR FALCON SERVICE", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Учтепинского хокимията г. Ташкента за № 002034-01 от 6 августа 2008 года объявляет об уменьшении размера уставного фонда с 50 300 000 сумов до 35 300 000 сумов.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-Г9 А, дом 4-А.

1969 йил 19 октябрда 5833 сон билан қайд этилган II-УЗ № 531727 рақамли 1969 йил 2 июлда туғилган Гуламов Саиб Умаровичга тегишли бўлган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган. Топиб олганлар мукофот эвазига қайтариб беришларини сўраймиз. Тел.: 773-07-17.

Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 28 октябрда рўйхатга олинган, Усмон Носир кўчаси, 53-В уйда жойлашган "YURSAN TASHKENT" МЧЖ (СТИР 300972018, ОКПО 22577496) корхона таъсисчисининг 2009 йил 2 октябрдаги 3-сонли умумий йиғилиш баённомасига асосан **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 53-В уйда қабул қилинади.

Сирғали туман ҳокимлиги томонидан 14.08.2009 йилда 002166-06 реестр рақам билан рўйхатга олинган "DENIZ PASHA" МЧЖга тегишли бўлган юридик шахсни давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "QIRILISH-STANDART-UNVEST" (ИНН 200510364) Мирабадского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 162.999.426 сумов 16.549.713 сумов.
Телефон: 256-61-91.

Утерянный план дома (БТИ) на квартиру, расположенный по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, 5-массив, дом 24, кв. 15, выданный на имя Шералиева Ровшана Нуралиевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2008 йил 30 декабрда 004371-10 реестр рақам билан рўйхатга олинган, Юнусобод тумани, Муртазоев кўчаси, 6-уй, 133-хонадон манзилида жойлашган "CLARION INTERNATIONAL" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 301018093) таъсисчиларнинг.2009 йил 22 октябрдаги 3-сонли баённомасига асосан **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва аризалар 2 ой давомида юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Частное предприятие "SAIDABONU" (ИНН 200982482), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента № 000205-09 от 08.08.2007 г. **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (на основании решения учредителя № 103 от 20.10.2009 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Караташ, здание "Акмаль-Савло" или по тел.: 245-45-46.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ
Саҳифаловчи
Умид УБАЙДУЛЛО

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-940. Адади 4253. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5